

"Бугун ғўзасини "ишлаёт"ган деҳқон ютади"

Шахрихон туманидаги "Обод диёр зиёси"
фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон
Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ
хўжалиги ходими Комилжон Собиров бу гапни ҳар
қадамда такрорлайди.

Августдаги
меҳнат —
пахтадан юқори
ҳосил олиш
гарови

Офтоб ёйилмай туриб Комилжон ака-
нинг даласида бўлди. Кўч-кўрони билан
далага кўчиб чиққан фермернинг аёли
Завраҳон ая эгат оралаб юрган экан.
Бизга пешвоз чиққан ая хўжайинининг
нариги далага маҳаллий ўғит оқиётган-
лигини айтди. Ўғитлари Жалолиддин,
Бахриддин, Жамолддин билан ўғитни
сувга аралаштиратган Комилжон аканинг
ғўзалари эътиборимизни тортди.

— Хирмонга барака кирита-
диган пахта ғўзанинг белида
пишади, — деди Комилжон
ака. — Бунга эришмоқликнинг
йўли битта: у ҳам бўлса, экин-
ни бакуват қилиб ўстириш
керак. Бунинг учун минерал
ўғит бараварида далага ғўнг
олиб чиқиш ва ерга солиш
алоҳида ўрин тутди. Ҳозир-
гача еримга 32 марта фекал
оқиздим. Уч бор ўғитлаш
хисобига физик хисобда ҳар
гектар ерга 750 килограмм-
дан минерал ўғит солдим.
Фекал хисобига ерга солган
ўғитларим ғўзанинг илдизига
шу қадар куч бердики, урта
ярусда яратилган ҳосил кун-
дан-кунга дилимини равшан
қияпти.

Биз фермерга "етарли
ҳосилни яратиб қўйибсиз" де-
ган оҳангда сўз очдик. Баъ-
зида қиллардир уватдаги
ғўзани кўриб қолган "беш"
қўйиб кетаверади. Фермер
эса бизни даласининг қўқ
ўртасига олиб борди. Ҳоҳ
ишонинг, ҳоҳ ишонманг 30,5
гектарлик даланинг бирор
жойида бир энлик бегона ўт
кўрмайсиз. Ғўза шохларини
эга бошлаётган кўсаклар тў-
лишиб бораётганидан дарак
бериб турибди.

Бундай манзарани яратиш



ҒўЗА ДЕФОЛИАЦИЯСИ:

Август — пахта далаларида
ҳосил тўплаш ойи. Айни кунларда
ғўза ҳосилдорлигини ошириш
учун барча агротехник тадбирлар
сифатли ўтказилиши баробарида,
йиғим-теримга тайёргарлик ишла-
ри ҳам бошлаб юборилди.

Фермерларимиз
йил давомида
ўз

Мавсум остоначидаги тайёргарлик

меҳнатлари эвазига етиштирган ҳосилни йи-
ғитириб олишдек масъулиятли мавсумни
ушшоқлиқ билан ўтказиш, тўрилган хом аш-
ёнинг сифатли бўлишига эришиш кўп жihat-
дан дефолиация — ғўза баргини сунъий тўк-
тиришга боғлиқ.

Тажрибали пахтакор ва мутахассисларнинг
хулосасига кўра, жорий йилда ғўза ҳосили ети-
лиши олдинги йилларга нисбатан барақоткор
бўлиши кузатишмоқда. Демак, ҳадемай жану-
бий вилоятларда йиғим-теримга киришляди.
Масъулиятли мавсум олдидан ушбу муҳим аг-
ротехник тадбирга тайёргарлик ишлари қан-
дай бораётганилиги билан қизиқдик.

— Ҳар йилгидек бу йил ҳам ғўза дефолиа-
цияси билан боғлиқ барча тадбирларни муво-
фиқлаштириб бориш бизнинг компания ва
унинг жойлардаги ҳудудий филиаллари зим-
масига юклатилган, — дейди "Ўзкимёсанот"
давлат акциядорлик компанияси бўлим бош-
лиги Нурможон Раҳмонов. — Республикада
дефолиация қилинадиган пахта майдонла-
ри бу юмушни такрорий ўтказишни ҳам қўшиб
ҳисоблаганда 1 миллион гектардан ортиқроқ.

Айни пайтда ер эгалари — фермерлар би-
лан хизмат кўрсатувчилар ўртасида тузилган
шартномалар ҳамда ишлатиладиган дефоли-
антларга аниқликлар киритиш жараёни бора-
моқда.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги такли-
фига биноан Қорақалпоғистон Республикаси
ҳамда барча вилоятларга мавсум учун зарур
дефолиантлар захираси яратилмоқда. Шу
ўринда айтиб ўтиш зарурки, ушбу муҳим аг-
ротехник тадбирга асосан "Магний хлорати",

"Авгурон экстра" ва "Садаф" препаратлари-
дан кенг фойдаланиш назарда тутилган. Де-
фолиантлар компания тизимидаги "Қишлоқ-
хўжалиқимиз" ХАЖ тасарруфидagi мавжуд
марказий омборлар ва шохбачалардаги 966
та ишчи-эритма тайёрлаш майдончаларида
тайёрланади. Айни пайтда мавсумга шай
қилиб қўйилган 1300 дан ортиқроқ ишчи-эри-
тма ташиш сигимлари орқали ҳар бир фер-
мер хўжалиги далала-
рига етказиб бе-
рилади.

Мав-

Тарихимизни ўрганамиз

Тошкент шаҳар ҳоким-
лиги ҳамда Республика
"Маҳалла" хайрия жам-
ғармасининг шаҳар
бўлими ҳамкорлигида
Ўзбекистон "Тарихимизни
ўрганамиз" мавзусидаги
кўрик-танлов якунланди.

АЙСЕКО томонидан Тош-
кент шаҳрининг 2007 йилда
ислом маданияти пойтахти,
деб эълон қилиниши муноса-
бати билан ташкил этилган
ушбу тадбирдан қўзланган
мақсад миллий кадрларни
мақсадли асраб-авайлаш, тари-
химизни ҳолисона ўрганиш
ва шу орқали халқимиз, ай-
ниқса, ёш авлод қалби ва
онгда Ватанга муҳаббат, ис-
тиқлол ғояларига садоқат,
юрт тақдирини ҳақдорлик
туйғуларини шакллантириш-
дан иборат эди.

Пойтахт маҳаллалари ра-
ислари ўртасида ўтказилган
мазкур танловда тарихимиз,
жумладан, қадимий Шошнинг
узок ўтмишини ўрганиш, меъ-
морий ёдгорликларни асраб-



авайлаш, ушбу йўналишда
ёшлар ўртасида олиб борила-
ётган тарғибот-ташвиқот иш-
ларида эътибор қаратилди.
Танлов натижаларига кўра,
Шайхонтоҳур туманидаги "Су-
зукота" маҳалласи раиси Ас-
қар Обидов биринчи, Ҳамза
туманидаги "Янгиобод" ма-
ҳалласи раиси Хурсандили
Тоҳибаев иккинчи, Ўтча-
та туманидаги "Ширин" маҳал-
ласи раиси Гулжон Ҳасанов
ва учинчи ўрин насиб этди.
(ЎЗА)

Қалдирғочлар қайтди

Муҳиддин ака эрталаб
уйга учиб қирган бир жуфт
қалдирғочни қўриб қувониб
кетди. У чарх уриб, ин
қўришга қулай жой ехтара-
ётган қўшларни қузатиб ха-
йла чўмди.

— Бу жониворлар ҳам инсон
бор жойда яшайди. Биз қиш-
лоқни ташлаб кетганимиздан
сўнг булар ҳам уларини тарқ
этган. Мана, салкам энлик йил-
дан сўнг қалдирғочлар қадрдон
гўшасига қайтди.

Тоғ этагида жойлашган "эл-
лик уйи, бир бўлоғининг бир
тегирмон суви бор" деб таъриф-
ланадиган Арботин қишлоғи
илгари Жиззах туманидаги дон-
гдор хўжаликлардан бирининг
таркибига кирар эди. Ҳамма
эътибор пахтачиликка қаратил-
ган ўша даврда хўжалиқнинг

чорваси боқиладиган бу қиш-
лоқ сонда бор-у, санокда йўқ
эди. "Бутун мамлакат юз фоиз
электрлаштирилди", деб жар
солинган пайтда Арботин
"руйхатдан тушиб қолди". Кей-
ин қишлоқ ёнғинасидан газ
қувури ўтди, аммо бу ерга газ
бериш ҳеч кимнинг ҳаёлига
келмади. Газ қувури ўтказиш-
да қудратли техникалар қадим-
ий ариқни бўзиб ташлади —
қишлоқнинг тенг ярами сувсиз
қолди. Мақтаби, дўкони, шифо-
хонаси бўлмаган қишлоқда на
тирикчиликнинг баракаси, на
ҳаётнинг қизиқиши қолди. Шунинг
учун одамлар бирин-кетин пах-
та уватига, бир қисми кейинча
қарай келган дамларни эсдан
чикара олмасди. Ҳар сафар бо-
лалиги ўтган қишлоқни зиёрат

Ўзбекистонда галла мустақиллигига
эришишнинг мураккаб, машаққатли ва
айни пайтда шарафли йўли ҳақида
кўпчилик тўлиқ тасаввурга эга. Бу борада
1993 йили илк қадамлар қўйилган бўлса,
қисқа муддат ичиди мақсадга етишнинг
тактик ва стратегик йўналишлари ишлаб
чиқилиб, алоҳида эътибор бериладиган
масалалар аниқ-тиниқ белгилаб олинди.
Булар — суғориладиган ерларда бошқоқли
дон етиштириш агротехникасини такомиллаш-
тириш ҳисобига ҳосилдорлигини ошириш, сер-
ҳосил, касалликларга чидамли навларни яра-
тиш ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш,
энг масъулиятли, йил бўйи қилинган меҳнати
юзига чиқарадиган ўрим-йиғимга камида 60-70

Ўз донимиз, ўз нонимиз



Салмоқ ва сифат — тарозининг икки палласи

центнерлик ҳосилни мақбул муддатда сар-
ранжомлаш имконини берадиган замо-
навий техника воситаларини танлаб,
улардан фойдаланишни ўлаштирашдан ҳамда
бошқа кўпдан-кўп масалалардан иборат эди.
1994-1995 йиллардан бошлаб, бу масалалар-
ни изчил ҳал этишга кенг қўламда киришилди.
Ҳаёт тақозосига кўра, баъзи масалаларга йўл-
йўлакай ўзгартириш киритиб борилади ва энг
мақбул ечимни топиш йўлидаги изланишлар да-
вом эттирилди. Шу тариқа етти-саккиз йилдаёқ
қўзланган маррага эришилди.

Мамлакатимизда галла етиштиришни кўпай-
тириш билан бирга унинг сифатини яхшилаш,
рисоладагидек сақлиниши, қайта ишлаш жараё-
нида замонавий технологияларни қўллаш, дон-
дан тайёрланадиган маҳсулотларнинг хилма-
хиллигини таъминлаш масалаларига ҳам ало-
ҳида эътибор берилмоқда. Худди шу йўналиш-
да Президентимизнинг бир қатор Фармонлари
ва республика ҳукуматининг қарорлари қабул
қилинди ҳамда улар ҳаётида изчил татбиқ этиб
келинапти. Зеро, етиштирилаётган галла миқ-
дори, яъни салмоғи ва унинг сифати — тарозин-
инг икки палласида баб-баравар бўлиши зар-
ур. Чунки, дон етиштиришни кўпайтиришга
аҳамият берилса-ю, унинг сифати, яъни сақли-
ниши ва ҳажон андозаларига мос равишда қайта
ишланишига етарлича эътибор қаратил-
мас қўзланган мақсадга тўла
эришиб бўлмайди. Шу
ўринда диққатингизни
масаланинг бир жиҳа-
тига қаратмоқчимиз.

Илгари "Ўздон-
маҳсулот" тизими-
да мутахассислар
сони унча кўп
бўлмаган дон инс-
пекцияси фаолият
кўрсатарди. Респу-
бликада галла кўп
етиштирилмаганилиги,
доннинг асосий қисми чет-
дан келтирилганилиги боис бу таш-

килотнинг иш ҳажми катта бўлмай, нуфузи ҳам
шу даражада эди. Мамлакатимизда бошқоқли дон
етиштириш йилдан-йилга кўпайгач, бу экинни
парвартиришдан тортиб тайёр маҳсулот ҳоли-
га келгунга қадар бўлган барча жараёнлардаги
ишнинг сифатини назорат қилишни янада ку-
чайтириш зарурати юзага келди. Бу ҳисобга оли-
ниб, юқорида тилга олинган ташкилот негизи-
да Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳма-
диси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси —
"Ўздавдонинспекция" тўзилди. Масаланинг
қатта эътибор берилиб, унинг ечимига давлат
даражасида қаралганлиги инспекциянинг янги
мақоми билан, унинг зиммасидаги масъ-
улиятни янада оширди. Ушбу назорат идораси
қайта ташкил этилгандан бери ўтган ўн йил да-
вомида унинг моддий-техника негизи тобора
мустақамлашиб бормоқда. Шу даврда Тошкен-
таги Марказий лаборатория билан бир қатор-
да Андижон, Самарқанд, Қашқадарё ва Қора-
қалпоғистон Республикасида минтақавий лабо-
раториялар фаолияти йўлга қўйилганилиги ҳам
бундан далolat беради. 2007 йил галла ҳосил-
лаш саранжомлаш арафасида эса Қўқон, Жиз-
зах, Бухоро, Шўрчи шаҳарларида қўшимча ра-
вишда 4 та янги лаборатория очилиб, шу жой-
ларга 10 нафарга яқин малакали мутахассислар
жалб этилганилиги бу йилги мавсумни муваффа-
қиятли ўтказишда алоҳида аҳамият касб этди.

Галла етиштириш, донни омборлар ва за-
монавий элеваторларда сақлаш, бу неъматни
истеъмолга етказгунгача бўлган жараёнлар-
нинг барчаси мураккаблиги, сермашаққатлиги
билан ажралиб туради ва ҳар бир паллада ғоят

хушёр бўлишни тақозо этади. Экин парвартириш
даврида занг, қорақуя ва бошқа кўпгаб касал-
ликлар, зараркунанда ҳашаротларга қарши ўз
вақтида кураш олиб бориш, ҳосил салмо-
ғига путур етди, маҳсулот сифати бузилади.
Бундан ташқари, экинни бегона ўтлардан, ай-
ниқса, инсон ҳаётига ҳаф тугдирувчи қайири-
чопон сингари захарли ўсимликлардан ҳимоя
қилиш, улар донга аралашиб қолишига йўл
қўймайлиқ талаб этилади. Дон белгиланган
тартибда, яъни у қизиб кетмайдиган ҳолатда,
ҳавоси мўътадиллаштирилган, мийта, қана син-
гари турли ҳашаротларга қарши дезинфекция
ўтказилган жойда сақланиши даркор. Респу-
бликада дон маҳсулотларига эъён етказувчи
етимидан эъён турли ҳашаротлар мавжудлиги,
дунё миёсида сақланадиган қишлоқ хўжалиги
маҳсулотларининг 10-15 фоизи зараркунанда-
лар томонидан йўқ қилиниши ёки сифатига пу-
тур етказилиши ҳисобга олсак, бу жикат ҳам
ғоят долзарблиги аён бўлади. Галла ўрим-йи-
ғими, ҳосилни тайёрлов шохбачаларига топиш-
риш палласи соҳа ҳодимлари, шу жумладан,
инспекция мутахассислари учун энг масъулият-
ли палла саналади. Доннинг тозаллиқ, намлик
даражаси уларнинг назоратида бўлади. Ма-

бодо галла топирувчи билан қабул
қилинган ўртасида худди шу ма-
салаларда бирон-бир англа-
шилмовчилик юзага келса,
инспекция ҳодимлари
ҳосилни таҳлил этиб, ўз
хулосаларини беришади.

—Зиммамизга дон ва
ундан тайёрланган маҳсу-
лотлар сифатини ошириш
бўйича тақлифлар тайёр-
лаш, галла қабул қилиш ва
уни қайта ишлаш қорхонала-
рида давлат ресурсидаги дондан
белгиланган мақсадларда оқилона

фойдаланилиши назорат қилиш, барча жа-
раёнларда стандартлар, техник шартлар талаб-
ларига риоя этилишини таъминлаш ҳамда шу
каби кўпгаб масъулиятли вазифалар юклатили-
ш, — дейди "Ўздавдонинспекция" етакчи мута-
хассиси Суннат Бекбоев. — Ҳозирги пайтда шо-
хбачаларга қабул қилинган донни замонавий ом-
борхоналар ва элеваторларга имкон қадар тез-
роқ ташиб олиш чоралари қўрилмоқда. Бу иш
Ромитан, Пешку, Учқўрғон, Гулистон, Қосонда-
ги дон қабул қилиш шохбачаларида няхосига
етказилганилиги эътиборга молик.

Сўхбатдошимиз яна бир далилни фохр-иф-
тихор билан тилга олди. Айни, бир пайтлар хо-
риқдан келтириладиган унга кўз тикиб турган
Ўзбекистон бугунги кунда донни экспорт қил-
моқда. Жўнатилаётган маҳсулотда "Ўздавдон-
инспекция" мутахассислари томонидан расмий-
лаштирилган мувофиқлик сертификати мавжуд-
лиги унинг сифатидан қанолат беради. Бир неча
йил илгари ички-ўч давлатта 100-150 минг тон-
на микдорда галла сотилган бўлса, кейинги
йилларда бу кўрсаткич 400-500 минг тоннага
етаяпти. Эрон, Грузия, Тожикистон, Афғонис-
тон, Озарбойжон ва бошқа мамлакатларга дон
экспорт қилинапти. Галла мустақиллигига эри-
шилганилиги, республикаимиз ўзининг ички эҳтиё-
жини қўллаб, четта маҳсулот чиқараётганилиги
Истиқлол йилларида эришилган кўпдан-кўп му-
ваффақиятларнинг бири. Бу ютук ризқ-рўзга,
халқнинг фаровонлигига дахлдор эканлигини
назарда тутсак, уни эришилган энг муҳим гала-
балар сирасига қўшиб жой.

Суннат САЙДАЛИЕВ

— Факат бир ҳис — хотиралар
қўйилган бу масканни яна
обод қилиш мумкинлиги қалб-
га тасалли беради. Мен энлик
йил шу тасалли билан яшадим.
Ватанимиз мустақиллиги ту-
фалии озуғимни амалга оши-
риш имконига эга бўлдим.
Эски қишлоғимизни худудда
чорвачиликка ихтисослашган
"Аслишох" фермер хўжалиги-
ни ташкил этдик. Чорвага
қўра, ўзимизга уй қурдик. Дек-
ончилик билан йилда, чорвачи-
лик қирқ йилда, деган нақлга
амал қилиб ишляпмиз.

Истиқлол берган имконият-
ларни Муҳиддин ака ва унинг
ҳамқўшқорлари ҳаёти мисолида
яқош қўришди. Қаровсиз қолган
қишлоққа одамлар қайтмоқда,
қўра-қўра қўйлар, гурро солиб
уор-уор отлар қайтмоқда. Одам-
лар уй, қалдирғочлар уя қўрмоқ-
да. Қалдирғочлар қанотида бу
қишлоқнинг эртанги кунига
ишонч, умидлар қайтмоқда.
Тошқул БЕКНАЗАРОВ
(ЎЗА)

**Жаҳон матбуоти хабарлари асосида
Шермат САНАЕВ тайёрлади.**

Хабарлар

Фермер "иссиқхона"си

Минбулок тумани ҳокимининг қарори билан "Нодира" фермер хўжалиги учун қўшимча бир гектар ер ажратилди. Мулкдор Илҳомжон Жамиллов банкдан кредит олиб маблагига қўшди ва иссиқхона қуришни йўлга қўйди.

Хозиргача ойнаванд боғнинг учдан бири битди. Сунбулада бордиринг-помидор экишга тайёрланган фермер илк ҳосилини чўлқуварларнинг янги йил дастурхонига тортиқ қилмоқчи.

Хусусий шиғоҳона

Олий тоифали жарроҳ Ҳамиджон Тошпўлатов Косонсой тумани марказида хусусий шиғоҳона қуришни бошлаб юборди.

Шиғоҳона ўттиз кишига мўлжалланган бўлиб, бу ерда ошқончоқ-ичак, жигар каби касалликлар даволанади. 12 та ходимдан иборат шиғоҳона мустақиллик байрамига ишга туширилиб, илк беморларга хизмат кўрсатади.

Байрамолди ярмарка

Наманган шаҳри ва ўн битта туман марказида байрамолди савдо ярмаркалари иш бошлади.

Уларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ўқув қуроллари бўлган талабни тўлароқ қондиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ярмаркалар 3 сентябргача давом этади.

Энг сара маҳсулотлар

"Ўзбекистоннинг энг сара маҳсулоти" республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда 20 дан зиёд жамоа ўз меҳнат маҳсули билан катнашди ва "Чашмаи сафед" фермер хўжалиги ғолиб чиқди. 600 бош қoramол парваришлаган Ҳамиджон Мўйдинқўжаев немис технологияси асосида сутдан 12 хил тайёр маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Ҳомийлар ҳиммати

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури Учқўрғон туманида изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Жумладан, жорий йил давомида ҳомийлар кўмаги билан кам таъминланган 170 га яқин оила ситир-бузоқли бўлди.

Косонсойлик сайёҳ

Чиндовул қишлоғи (Косонсой тумани) фуқароси Зоҳиджон Турсунов 70 кунлик саёҳатдан қайтди.

Ана шу давр ичида у Ўзбекистон ва Қозғистон бўйлаб 7200 километр йўлни велосипедда босиб ўтди. Тиниб-тинчимас қишлоқ муаллими ўз саёҳатини ҳалқлар дўстлигини мустаҳкамлашга бағишлаган.

Рустамжон УММАТОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Самарқандда турфа оҳанглар янграйди

Айни пайтда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик авж палласига киради. Самарқанддаги "Жайхун" қурилиш ташкилоти ишчилари фестивалга ташриф буюрадиган меҳмонлар учун ўриндиқлар тайёрлаш билан банд.

— Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи ҳамда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалига биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшяпмиз. Шу орада 2100 кишилик ўриндиқлар шай қилинади, — дейди устакта бошлиғи Исом Хожаяев. — Хозирги кунда сўнгги таъмирлаш ишлари олиб борилаётган.

Фермерга аравачали мотоцикл

Имом ал-Бухорий мажмуасида уюштирилган тадбирда галла ва пилла етиштиришда яхши натижаларга эришган деҳқонлар, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ходимлари иштирок этишди.

Унда вилоят ҳокимлиги ихтисос соҳада юқори кўрсаткичга эришган фермер хўжаликлари раислари, механизаторлар, хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари "Кинап" корхонасида йиғилган аравачали мотоцикл калитларини ҳамда "Сино" корхонасининг замонавий музлаткичларини топширди.

Оромгоҳда экофестиваль

Самарқанд тумани Оҳалик қишлоғидаги "Алпомиш" болалар соғломлаштириш оромгоҳида Халқаро "Эко-сан" ташкилоти, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Қамолот" ЕИҲ виллоят бўлими халқаролигида давлатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан экофестиваль бўлиб ўтди.

Ушбу фестивалда оромгоҳда дам олаётган Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларидан келган кам таъминланган оилаларнинг 300 га яқин фарзандлари иштирок этдилар.

"Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги" шиори остида ўтказилган бу фестивал дастуридан ўрин олган турли қўриқ-танловлар, шеърят ва тил ўрганиш кечалари келажак авлод қалбига истиқлолимизга, она-Ватанга, табиатга бўлган меҳрини кучайтиришга шак-шубҳа йўқ.

Мамадиёр ЗИЕДИНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Самарқанд вилояти

Нарзулла — деҳқон фарзанди. Хурлик, озодлик эҳкиллари унинг учун ҳам бахт-икбол эшигини очди. 1994 йилда 12 гектар майдонда "Нурман бобо" фермер хўжалигини ташкил этди.

қаратди. Иқтисодий ривожланишнинг аниқ йўлларини ишлаб чиқди. Ернинг унумдорлигини ошириш бўйича мутахассис ва тажрибали кишилардан маслаҳат олди. Натижа эса қўлтигандан ҳам зиёда бўлди. 2006 йилда мавжуд 12 гектар

ди. Бу натижаларда унинг фарзандлари, фермер хўжалиги аъзолари Асилбек, Мардон, қизлари — Муҳаббат, Назира, Махлиё, Дилфуза, Ойгулнинг хизматлари катта эди. — Фермер хўжалигида ма-

нингиздек натижа чакки эмас. 90 фоиз майдондаги ниҳолларнинг ривожини баланд. Бугунгача гўзалар уч марта сифатли озиқлантирилди.

Интиланганга толе ёр



Ҳа, моддий манфаатдорлик чироқчи туманидаги Салим Жураев машина-трактор парк ҳудудига жойлашган Нарзулла Нурманов бошлиқ "Нурман бобо" фермерлари қуриш-қуриш, гайратига-гайрат қўшмоқда. Жорий йилда янги даромаднинг 10 миллион сўмга етказиш, шунинг 7 миллион сўмини соф фойда бўлишига эришиш фермерларнинг қатъий қароридир.

Бугун Нарзулла Нурманов раҳбарлик қилаётган "Нурман бобо" фермер хўжалиги қишлоқда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришда олдинги сафларда.

Хусан ТЕМИРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.
Қашқадарё вилояти.

Соҳиблик туйғуси

Қишлоқ мулкдори Нарзулла Нурманов меҳнати Истиқлол туғайли қадр топди

— Дастлаб мени йўлдан уришга уринувчилар, бу иш хали синалмаган, нимага ҳам эришардинг, деб чалғитувчилар ҳам бўлди, — дея эслайди у. Интиланганга толе ёр. Машаққатларни меҳнат билан енгиш, ягона мақсад йўлида интилиш ўз самарасини берди. Дастлаб-ки йилда пахтадан 25 центнер, дондан эса 30 центнердан хирмон кўтарилди. Янги даромад 3 миллион сўм атрофида бўлди.

Нарзулла, энг аввало, ҳисоб-китоб ишларини бизнес-режа асосида ташкил этди. Сарф-харажатга асосий эътиборини

майдоннинг 7 гектарига қўйгани "Бухоро-8" навиани қадаб, пахтадан юксак хирмон кўтарди. Ҳосилдорлик гектар бошига 45 центнерни ташкил этди. Бугуннинг "Санжар", "Умманка" навларидан гектар бошига 50 центнердан ҳосил олишди. Янги даромад 7 миллион сўмга тўри кел-

лаб, кам бўлмаепмиз, — дейди Нарзулла Нурмановнинг ўртанча фарзанди Мардон. — Эрта тонгдан далага отланамиз. Қуёш ўз ётоғидан бош кўтарар-ку тармас майдонларни бегона ўтлардан тозалаш, сўғориш, гўза қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш жадвали ишлаб чиқилган. Бирон-бир агротехник тадбир бўзилгани мўл ҳосилга зиён етди.

Бизда сеники, меники деган гап йўқ, — дея сўхбатга қўшилди фермер хўжалиги аъзоси Асилбек Нурманов. — Бирон-бир иш бўлдимки, ҳаммамиз бирга қиршамиз. Вақт биз учун олтин. Яъни, ҳар бир дақиқа қатъий ҳисобимизда. Чигитни экиш гектарлардан тўла ҳосил олиш, яғналас, майдонларни бегона ўтлардан тозалаш, сўғориш, гўза қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш жадвали ишлаб чиқилган. Бирон-бир агротехник тадбир бўзилгани мўл ҳосилга зиён етди.

Моддий манфаатдорлик Нарзулла Нурманов бошлиқ "Нурман бобо" фермер хўжалиги аъзолари гайратига-гайрат қўшмоқда.

Инсон саломатлиги кўп жиҳатдан у истеъмол қилаётган маҳсулотнинг нечоғли сифатли бўлишига боғлиқ. Бу эса ишлаб чиқарувчининг давлат меъёрлари талаби даражасида қонуний фаолият кўрсатиши билан белгиланади. Қолаверса, ҳар қандай турдаги озиқ-овқат маҳсулотининг мувофиқлик сертификати асосида истеъмолга чиқарилиши унинг сифатига қафолат бўлади. "Ўзстандарт" агентлиги тизимидagi ҳамда аккредитациядан ўтган сертификатлаштириш идоралари бу борадаги муҳим вазифани доимий назоратга олганлар.

Пойтахтимиздаги "TIB STANDART SERVIS" МЧЖ қишлоқда сертификатлаштириш идораси ҳам ўз фаолиятини бошлаганидан бери кўп вақт ўтмаган бўлса-да, қисқа давр ичида хизмат кўрсатиш даражаси юқорилиги боис миқозлар ишончини қозонди. Ушбу идора барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаштириш имкониятига эга. Лабораториялар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, соҳанинг малакали мутахассислари хизмат кўрсатади.

— Сифат соғлом рақобатни юзга келтиради, у бор жойда эса иқтисод юксалиб, мамлакат бозори ривожланади, — дейди мазкур идора раҳбари Содирхон Усмонов. — Шу боис, сифатни бошқариш, миқозларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг, давлат стандарти меъёрларига жавоб беришини таъминлаш мақсадида инспекцион назорат ўтказиб турилади. Қолаверса, маҳсулот ериқларида барча маълумотларнинг мавжудлиги ха-

Юртимизда кичик бизнес, хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилгани айни ҳақиқат. Соҳага оид Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам айнан улар манфаати, эркин фаолият юритишларига хизмат қилади.

Ушбу сертификатлаштириш идораси йил давомида 300-350 миқозга хизмат кўрсатишини назарда тутсақ, унинг нуфузини англаб етиш қийин эмас. Улар орасида ўз маҳсулотлари билан нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам донг таратган тадбиркорларимиз борлиги қувончли, албатта. Хусусан, "Тўхтаиёв ота" фермер хўжалиги, хусусий та-

ридор учун қулайликлар туғдириши табиий. Шу ўринда таъкидлаб ўтишни истардим: кўп ҳолларда истеъмолчи ишлаб чиқарувчи маҳсулоти сифатига доир жиддий эътирозлар билдиради. Биз

НАЗОРАТ

корхона манфаатини ҳимоялаш фикридан йироқмиз. Харидор аксарият ҳолларда ҳақ бўлиб чиқади. Шу билан бир-

биркорлардан Муталовнинг "Московские деликатесы", Сағатовнинг "Шаршара", Мирзаяевнинг "Наврўс" каби маҳсулотлари "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси остида жаҳоннинг бир қанча нуфузли кўргазмаларида иштирок этишди ва айни пайтда экспорт қилишмоқда ҳам.

Дарвоқе, "TIB STANDART SERVIS" сертификатлаштириш органининг Тошкент вилоят Давлат Санитария эпидемиология назорат маркази билан ёнма-ён жойлашганлиги миқозлар бир вақтингиз ўзида ҳам гигиеник, ҳам мувофиқлик сертификати олишига имкон яратади.

Юртимизда кичик бизнес, хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилгани айни ҳақиқат. Соҳага оид Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам айнан улар манфаати, эркин фаолият юритишларига хизмат қилади. Кардордан келиб чиқиб, жамоа ўз ишини "Тез, сифатли, арзон ва қулай хизмат" шиори остида ташкил этган. Хуллас, барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар, Тошкент шаҳар, Достоевский кўчаси, 12-йи манзилига мурожаат қилинг ва Сиз бунга амин бўласиз.

Давур ЖОЗИЛОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ТАБИАТ ВА БИЗ

Жониворларнинг табиий офатлар ва иқлимий ўзгаришларни олдиндан сеза олишлари, уларнинг ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг "синоптиклик қобилиятлари" ана шу тарикка пайдо бўлган.

Масалан, денгизчилар азалдан об-ҳаво ўзгаришларини кузатиш, айниқса, балиқчи қушнинг ҳаракатидан билганлар. Негаки, буюн яқинлашаётганини сезишса, балиқчи қушлар денгиз овиға қикмай, соҳилда, қоялар ва қумли саёликларда кезиб юришади. Ҳаво очик бўлган-

Денгизчиларни



да атмосфера босими юқори сув эса ҳаво ҳароратидан со-вуқроқ бўлиб, денгиз устида юқори кўтарилишчи ҳаво оқимлари бўлилади.

Бундай пайтларда бу қушлар тезда толиқиб қолади ва сувга, мачталар ҳамда кемадаги бошқа баландроқ ерларга қўниб, дам олади. Демак, балиқчи қушларнинг бу ҳолатини кўрган денгизчилар, албатта, ҳаво очик келади, дейишади.

Қўнчилик қушлар каби балиқчи қушларнинг ҳам найсимон оёқ сўягидаги илк ўрнида ҳаво жойлашган бўлиб, у "пневматик суяк", деб аталади. Бу эса қуш парвоз қилганда вазнининг енгил кўтарилишига имкон беради. Шубҳасиз, бу суяклар ҳаво босимидagi фарқни ҳамда об-ҳаво ўзгаришларини жуда яхши сезади.

Об-ҳаво ўзгаришларини атмосфердаги электр зарядларининг ортиши ё камайи-шига қараб сезадиған ҳашаротлар ҳам бор.

Ақбар АЛИЕВ
тайёрлади.



Мустақил-лик шарофати боис Бухоро туманидаги кўплаб қишлоқларда замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган КВПлар барпо этилди. Бу шиғо масканларида фаолият кўрсатаётган малакали шифокорлар аҳоли саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилмоқдалар. СУРАТДА: КВП ҳамшираси С.Бозорова олий тоифали фармацевт Э.Пўлатова билан дорилар сифатини кўздан кечирмоқда. Б.АКРАМОВ олган сурат.

Ховангазани бир туғ урик...

Кўпинча кишиларнинг "Бозордан қўчат олудим, роса мақташгани, лекин вақт ўтса-да, яхши ҳосил бермапти" ёки "Узумларимиз худудим майда, касалланган", деган эътирозли гапларини тез-тез эшитамиз. Ана шундай пайтда бизнинг боғ ишларига қувасизлигимиз натижаида дарахтларимиз ўзимиз кутганимиздек ҳосил бермаётганининг гувоҳи бўламиз.

Қуйида сизларнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган қўчат етиштириш бўйича қисқа амалий тавсиялар тажрибада синаб кўрилган ва шуниси билан қўмнатлидир.

Уруғларни экишга тайёрлаш. Урик пишиб етилган пайтда териблиб, данаклари ажратиб олинади. Ювиб тозаланган, салқин жойда қўритилади. Уларни газмол халтачага солиб, қузнга сақланади. Зинҳор елим халталарга солиб сақлаш мумкин эмас. Уруғ сақланаётган ерга офтоб нури тушмаслиги керак. Акс ҳолда офтоб нури данакни "палагда" қилиб қўяди ва уруғ кейинчалик унмайди.

Август ойининг бошларида данаклар йирик ва ювилган қум билан аралаштирилади. Аввалдан қазилган ўраларга солинади. Бир текис тақсимланиб, яна аралаштирилади, сувланади. Яшил-лаб аралаштирилган, ўраларга қайта солинади. Усти текисланиб, бир сантиметр намлиган қум сеппиб чиқилади. Устига намлиган латта ташлаб қўйилади. Кейинчалик қўларнинг нами кетиб қолмаслиги учун вақти-вақти билан шу латта сув билан қўлланиб турилади.

Данакларни экиш. Данакларни қузда, баҳорда экиш тавсия этилади. Лекин қузда экилгани яхшироқ униб чиқади. Чунки, данаклар қумланган ҳолда баҳорга қолдирилганда иш қўпаяди. Шунинг учун қузда ер сифатли чопилиб текисланади, бегона ўтлардан тозаланган. Данаклар октябр ойининг охири, ноябрининг бошларида экилади. Шунинг назарда тутиш керакки, мева уруғлари — ўларнинг ўлчами (катта-кичиклиги), тупроқ шароитининг "огир-енгиллиги" қараб ҳар хил қўқуриққа экилади. Бу нарса эса, ўз навбатида, бундай тупроқларда кейинчалик данак ва қуртанинг ўсиш хараёни билан боғлиқ. Чунки, огир тупроқ қийинроқ, енгил тупроқлар эса тезроқ қизийди. Фақат бир томони қузда экилган данакларни дала-боғлардан қушлар қавлаб олиб кетишидан эҳтиёт бўлиш керак. Қузда экилмаган уруғ баҳорда — февраль ёки март ойларида экилади.

Данакларни экиш усули. Маълум мўлжалланган жойларга тўртта қозик қўқилади. Аркон тортилади. Ҳосил бўлган ариқлар ораси 65 сантиметр бўлиши керак. Ариқлар тортилишининг чуқурлиги эса 5-6 сантиметрни ташкил қилиши керак. Ариқ ўрта-си 4-5 сантиметр кенгликда очилади ва маълум чуқурликда жойлаштирилади. Қадалаётган данакларнинг учи тепа тарафга қараган бўлиши шарт. Экилган уруғларнинг ораси 10-12 сантиметрдан ошмаслиги керак. Барча данаклар қадаб қизилгандан сўнг тупроқ тортиб ёпилади ва усти қисмига ариқ узунлиги бўйлаб оз миқдорда қўпик сеппилади. Бу нарса ариқнинг усти қисмидаги намлини сақлаб туриш учун керак. Лекин гўн солинмайди.

Тахминан март-апрель ойидан бошлаб, униб чиқаётган уруғларни парвариш қилиш бошланади. Жумладан, бегона ўтлардан тозаланган ва ён-атрофи юмшатилади. Усиш даврида (апрель, май, июнь, июль ойлари) ривожланаётган қўчатларнинг ёнидаги барглариининг усти қисмида шоҳчалар ўсиб чиқади. Уларни кесиб ташлаш шарт. Кейин пайвандга тайёргарлик бошланади.

Ўзбекистон шароитида гармсёл ўтганидан кейин пайванд қилишни бошлаш тавсия қилинади (тахминан, июлнинг охири август ойининг бошлари). Тошкент шаҳри ва вилояти бўйича охириги 50 йиллик тажриба шуни кўрсатдики, тахминан 22 июлдан қўчатларга кўп сув бериш ва шу билан пайвандга бевосита тайёргарлик қилиш мақсада мувофиқ. Одатда, шундан кейинги 8-10 кун ичида гармсёлни, юқори ҳароратли қунар бўлиб ўтади. Ана шу пайтда қўчатларни сўғориш керак. Бундай сўғоришдан мақсад иссиқ ҳаво оқимидан қўчатларни сақлаб қолиш ва пайвандлашга тайёрлашдир.

Ўзбекистон шароитида далаларда, очик ерларда, қузнга қур-так пайванд 5 августдан 15 сентябргача амалга оширилади. Бу усулни шафтоли ва бодом дарахтлари учун ҳам қўллаш мумкин.

Мақсудбек АЛИМБЕКОВ
(Давоми бор)

АТ "Пахта Банк"

томонидан Ёш оилаларга кўрсатиладиган банк хизматлари бўйича тўлиқ маълумот олишингиз учун қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:

Бош офисда: (371) 173-25-57, 173-25-10, 278-57-34, 120-88-15

Вилоят бошқармаларида:

Қорақалпоғистон Республикаси	8(361) 222-16-77	Навоий вилояти	8(436) 224-75-41
Андижон вилояти	8(374) 224-38-59	Самарқанд вилояти	8(366) 233-37-04
Бухоро вилояти	8(365) 223-85-53	Сурхондарё вилояти	8(376) 222-79-04
Жиззах вилояти	8(372) 226-51-08	Сирдарё вилояти	8(367) 225-26-61
Қашқадарё вилояти	8(375) 221-02-42	Тошкент вилояти	8(371) 144-09-82
Наманган вилояти	8(369) 223-19-02	Фарғона вилояти	8(373) 224-34-49
		Хоразм вилояти	8(362) 226-45-56

МИНСК БЕЛАРУС

ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ "Беларус"

ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА

ВА УЛАР УЧУН ЭХТИЁТ

ҚИСМЛАРИНИ

ТАККИФ ЭТАДИ.



КАМАЗ ARSENAL

Манзилини: Тошкент ш., Братислава кўчаси, 11.
Тел: 361-40-33, 361-40-90, 361-40-75

